

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
“КОМПЛАЕНС- НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

РЕЖА:

Кириш

1.Комплаенс тушунчаси ва аҳамияти

2.Коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими тушунчаси,
мақсади, иштирокчилари, тартибга солиш асослари

3. Комплаенс-назорат тизимини ишлаб чиқиш ва идорада
жорий қилиш

Хулоса

Тавсия этиладиган норматив-ҳуқуқий хўжжатлар ва юридик
адабиётлар

КИРИШ

Бугунги кунда, мамлакатимизнинг турли давлат органлари коррупцияга қарши курашда ўз услубларини қўлламоқда.

Бироқ, коррупциоген ҳуқуқбузарликларнинг статистикаси ўсиб бориши, идораларда мазкур иллат билан курашиш, шу жумладан, коррупцияни олдини олиш учун ажратилган куч ва воситалар етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Ислохотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат идорада коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини изчил таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишда халқаро тажрибада кенг қўлланилиб келаётган замонавий коррупцияни олдини олиш чораларни миллий амалиётга татбиқ этишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Мавзудан келиб чиқиб, ўқув машғулотнинг мақсади ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ўқув машғулотининг мақсади - тингловчиларнинг коррупцияга қарши курашишга оид назарий билимларини ҳамда ўз фаолиятида бу иллатга йўл қўймаслик бўйича касбий кўникмаларини чуқурлаштиришдан иборат.

Ўқув машғулотининг вазифалари:

- тингловчиларга, коррупция тушунчаси, салбий жиҳатлари, турлари, унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ва коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатини амалга ошириш ҳақида билимларини чуқурлаштириш,

- тингловчиларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида билимлари ривожлантириш.

1. "КОМПЛАЕНС" ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Комплаенс (compliance - инглиз тилидан) мувофиқлик, риоя қилиш, талабларни бажариш маъносини англатади.

Комплаенс – кенг маънода, қонун нормаларига, қоидалар ва стандартларга мувофиқликни англатади.

Комплаенс – тор маънода, идора фаолиятининг антикоррупцион қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш маъносини англатади.

Коррупцияга қарши комплаенс-назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Комплаенс назорат тизими илк бор **АҚШда 1906 йилда вужудга келди**. Бунга зарурият мамлакат иқтисодиётида хавфсизликни таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Бугунги кунда “**Baker and McKenzie**” халқаро юридик фирманинг 2019 йилги расмий маълумотларига асосан коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими 150 дан ортиқ мамлакатлардаги компанияларида жорий этилган.

Миллий даражада комплаенс-назорат тизимини жорий қилиш вазифаси илк бор Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармонида белгиланди.

Бугунги кунда “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат” ва бошқа акциядорлик жамиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида комплаенс-назорати тизимини амалга ошириш жараёнлари олиб борилмоқда. **Жумладан, Ўзбекистонда** **Комплаенс тизимидан фойдаланувчилар қаторида** «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамиятини келтириш мумкин. Мазкур «Ўзавтосаноат» компания ижро этилиши мажбурий бўлган “Комплаенс сиёсати кодекси ва Комплаенс бўйича дастур (руководство)” қабул қилинган ва **ишонч телефонлар** жорий этилган.

Шундай қилиб, комплаенс тизимини жорий қилиш ахамияти нимада? Комплаенс-назорат тизимини идорада жорий қилиш қўйидаги самарали омилларга хизмат қилади:

- коррупциявий хавф-хатарларини (пора олиш, мансабни суиистеъмол қилиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар) ўз вақтида аниқлаш;

-коррупциявий хавф-хатарларга чек қўйиш;

- коррупциявий хавф-хатарларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

- коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш ва бошқ.

2. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ, ИШТИРОКЧИЛАРИ, ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИ

Комплаенс тизим (Compliance Sistem) – халқаро тан олинган универсал тизимдир.

Идоравий комплаенс тизими – бу амалдаги қонун ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатлар бузилишига йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирлар мажмуидир.

Комплаенс тизимини жорий қилишнинг мақсади:

- 1) идорада коррупциявий-хавфли фаолият соҳаларини аниқлаш;
- 2) идорада коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилишнинг ҳаракат механизмларини яратиш;
- 3) идорада коррупциявий ҳолатлар мавжудлигида унинг хавф-хатарларини баҳолаш
- 4) идорада касбий ахлоқий қоидалар ижросини таъминлаш
- 5) идорада қонунчилик, ички тартиб-қоидаларга риоя этилмасликка оид ҳатарларни камайтириш

Комплаенс тизимининг асосий функциялари:

Хавф-хатарларни аниқлаш:

- Коррупция, суиистеъмол қилиш
- Талон-торож қилиш, бошқа ноқонуний ташқи ҳаракатлар
- Касбга нолойиқ хатти-ҳаракатлар, кадрлар малакасининг пастлиги
- Ишбилармонлик обрўсига таҳдид, тўлов қобилиятининг пасайиши, тўловга қодир эмаслик, ва оқибатда банкротлик

Хавф-хатарларга қарши курашиш таъсир чораларини қўллаш:

- Хавф-хатарларга қарши курашиш
- Коплаенс хавф-хатарларни бошқариш
- Тартибга солиш талабларига мувофиқликни аниқлаш

КОМПЛАЕНС ТИЗИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Комплаенс тизимининг иштирокчилари:

- Ташқи ва Ички иштирокчиларига ажратилади.

Жумладан, ...

1) *Комплаенс тизимининг ташқи иштирокчилари сифатида қўйидагилар бўлиши мумкин:*

- Юқори турувчи давлат органлари
- Кредит рейтинг агенликлари
- Потенциал мурожаат этувчилар, харидорлар
- Инвесторлар
- Кредиторлар
- Аудиторлар
- Суғурта компаниялари
- Контрагентлар.

Хусусан, комплаенс тизими ташқи иштирокчиси сифатида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 29 июндаги ПФ-6013-сонли Фармони**га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (Агентлик)нинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қаторида:**

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, *шунингдек,*

- уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш белгиланган.

2) *Комплаенс тизимининг ички иштирокчилари:*

Комплаенс назоратчиси – бу идора фаолияти ва ходимларнинг хатти-ҳаракатларини қонун ва қонуности ҳужжатларига, тартибга солувчи нормаларга мувофиқлигини назорат қилувчи идоранинг комплаенс тизимини йўритувчи ҳодими.

Комплаенс назоратчи сифатида, жумладан қўйидагилар бўлиши мумкин:

- иқтисодчи;
- юрист;
- молиячи;
- бошқарувчи;
- инспекция ходими;
- хавсизлик хизмати ходими;
- назорат хизмати ходими;
- кадр ходими ва бошқалар киради.

Комплаенс назорат тизимини жорий қилиш бўйича самарали тажрибага эга мамлакатлар амалиётига мувофиқ ушбу хизмат қўйидаги 2та модели қўлланилади:

1-моделига кўра, идора фаолиятининг фақатгина миллий қонун ва ички қоидаларга мувофиқ ташкил этишга қаратилади.

2-моделига кўра, идорада коррупция хавф-хатарларни баҳолашда халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади (масалан, Базел банк қўмитасининг, Халқаро комплаенс ассоциацияси тавсиялари).

Сиз фаолият кўрсатаётган идора Вазирлик поғонасида экан, шу боис идорангиз комплаенс тизими нафақат ички балки ташқи халқаро стандарт ва тавсияларга жавоб берши керак бўлади.

Комплаенс талаблари, жумладан қўйидагилар билан белгиланади:

Миллий қонун, қонуности ҳужжатлари, низом, қоида ва ички нормаларига:

- Меҳнат, Солиқ, Фуқаролик, Антимонопол, Суғурта, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги **қонунчиликлар**,
- Профессional уюшма қоидалари,
- соҳага оид ички Низом (Устав) **ва бошқалар киради.**

Комплаенс-назорат бўйича стандартлар ва тавсияларни назарда тутувчи халқаро (ташқи) қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар қаторида:

- «ISO 19600:2014 Compliance management systems — Guidelines» (2018 йилда қайта кўриб чиқилган);
- Буюк Британиянинг 2010 йилдаги «Порахурлик тўғрисидаги қонуни» (UK Bribery Act);
- DIN ISO 15489 ҳужжатларни бошқариш халқаро стандартлари (Германия Федератив Республикаси);
- «Хорижий давлатлар ҳудудидаги АҚШ резидент-жисмоний ва юридик шахсларнинг порахурлиги билан курашиш тўғрисида»ги АҚШ қонуни (FCPA, АҚШ) ва бошқалар киради.

Ташқи иштирокчилар (учинчи шахслар) томондан ташкилотнинг комплаенс тизимига берилган баҳолардан турлича оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Масалан, агарда идоранинг комплаенс хавф-хатарлиги бўйича юқори турувчи давлат органлари томондан бериладиган баҳо - юқори салбий оқибатларга, масалан қабул қилинадиган якуний қарорга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Агарда идоранинг комплаенс хавф-хатарлиги бўйича мурожаат этувчилар томондан бериладиган баҳо - ўтча салбий оқибатларга, масалан қабул қилинадиган якуний қарорга таъсир кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги мумкин.

Агарда идоранинг комплаенс хавф-хатарлиги бўйича суғурта компаниялари томондан бериладиган баҳо - паст салбий оқибатларга, яъни қабул қилинадиган якуний қарорга кучсиз таъсир кўрсатади.

3. КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ИДОРАДА ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Идорада комплаенс тизимини жорий қилиш қўйидаги уч асосий босқичдан иборат

1 босқич. Комплаенс аудитнинг ўтказилиши

2 босқич. Комплаенс тизими концепциясини ишлаб чиқиш

3 босқич. Комплаенс тизимини жорий қилиш

1-босқичда КОМПЛАЕНС АУДИТНИНГ ЎТКАЗИЛАДИ

Комплаенс аудитнинг ўтказилишининг асосий мақсади - комплаенс тизими, унинг муҳим элементларининг мавжудлигини, уларнинг миллий ва халқаро регуляторлар талабларига мослигини, шунингдек, комплаенс соҳасидаги амалиётни батафсил кўп даражали таҳлилини ўтказиш

Комплаенс аудит объектлари сифатида қўйидагилар бўлади:

- **ишлаб чиқилаётган ва жорий қилинаётган комплаенс тизимининг элементлари** (комплаенс хавф-хатарлар, хавф-хатарларни баҳолаш, хавф-хатарларга қарши курашиш самарали чоралари ва тавсиялар);

- **комплаенс тизими элементларининг миллий ва халқаро регуляторлар** (қонун, қонуности ҳужжатлар, қоидалар, низом (устав), норма талабларига мослиги;

- **комплаенс соҳасидаги энг яхши ва илғор миллий ва хорижий амалиёти** ва бошқ.

Комплаенс-аудитнинг асосий вазифаларига, жумладан:

1) Комплаенс-назорат тизимининг самарадорлик аудитини ўтказиш

2) Вазиятни моделлаштириш асосида ички назорат тизимининг аудитини ўтказиш

3) Мавжуд комплаенс тизимини такомиллаштириш **киради.**

Комплаенс тизими концепциясини ишлаб чиқиш 2-босқичда, жумладан, қўйидагилар бажарилиши лозим:

1) **комплаенсга оид ички назорат тизими, бошқарув тузилмаси ва ҳисобот тизимини ўзгартириш** бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2) идора фаолияти жараёнларига нисбатан **коррупция хавф-хатарлар кўрсаткичлари рўйхатини** шакллантириш;

3) идора жамоа аъзоларида **комплаенс маданиятни ривожлантиришга** оид процедураларни ишлаб чиқиш;

4) идора ва идора ходимларининг хизмат функция, вазифаларини ва мажбуриятларини оптималлаштириш, аниқлаштириш (**Мансаб йўриқномалари**);

5) **“Комплаенс йўриқнома (руководство)”** лойиҳасини тузиш учун етакчи эксперт ва раҳбарлардан ташкил топган ишчи гуруҳни шакллантириш ва ниҳоят ...

6) **комплаенс тизимини амалга ошириш** учун **масъул ходимни** белгилаш, унинг тегишли сертификатларга эга бўлишларини таъминлаш учун малака оширишга юбориш.

Аксарият хорижий давлатларда **комплаенс назорат тизими** алоҳида қонун ҳужжати тартибга солингани аҳамиятга моликдир.

Масалан, Словения қонунчилиги ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Хусусан, 2014 йил 26 апрелида қабул қилинган “Словения давлат холдинги акти тўғрисида”ги (*Slovenian sovereign holding Act, 2014*) Қонунида **комплаенс назорат тизимининг** мақоми ва ваколатлари белгиланган.

Қонуннинг ўзига хослиги шундаки, унда **комплаенс хизматида кадрлар масаласига (compliance officer)** тўхталиб ўтилган ҳамда

компания ичидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор этишга (**whistleblowing policy**) аниқ қоида ва тартибни келтириб ўтади.

Комплаенс тизимини жорий қилиш 3-босқичда қўйидаги тадбирларни бажариш мақсадга мувофиқ:

1) Ички аудит (ўзини ўзи баҳолаш тартиби) тизимини жорий қилиш;

2) Хавф-хатарлар ва кўрсаткичларни аниқлаш комплаенс мониторинг тизимини жорий қилиш;

3) Идора жамоасини комплаенс методологияси ва услублари ҳақида ўқитиш;

4) Идора жамоасида комплаенс талабларига риоя қилиш мотивация (манфаатдорлик)ни уйғотиш

Комплаенс-назорат тизимини идорада жорий қилиш натижасида қўйидагиларга эришиш мумкинлиги таъкидланмоқда:

- идорада антикоррупцион умум эътироф этилган халқаро стандартларга ва миллий қонунчиликка мувофиқлик таъминланади;

- йўқотишлар ва санкцияларни олди олишга муваффақ бўлинади;

- идора фаолиятининг шаффофлиги, очиқлиги таъминланади;

- давлатнинг моддий маблағлари тўғри тақсимланади ва улардан самарали фойдаланилади;

- ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажариш таъминланади.

- қонунбузарликлар учун санкцияларнинг олди олинади ёки улар минималлаштирилади;

- идора ходимлари ва раҳбариятининг ҳуқуқий жавобгарликдан ҳимоя қилинганликларига ишончи оширилади;

- идора обриси ортади ва бошқ.

ХУЛОСА

Коррупцияга қарши, фақатгина жазоларни оғирлаштириш йўли билан курашиш самара бермаслигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шу ўринда, Юртбошимиз 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга

Мурожаатномасида “Давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш”, “Барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизими жорий этилиш”, “Кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйиш”, “Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан муросасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатиш” ҳамда “Давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизими йўлга қўйиш” вазифаларини юқлади.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХЎЖЖАТЛАР ВА ЮРИДИК АДАБИЁТЛАР

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши кураш бўйича Конвенцияси” (Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 7 июлда ратификация қилинган).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1989 йил 24 майдаги “Жамоат тартибини сақловчи мансабдор шахсларнинг ахлоқ ва одоб кодексига оид раҳбарий кўрсатмалар” (Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарори

2007 йилдаги “Иқтисодий ривожланиш ташкилотининг коррупцияга қарши курашга оид Истамбул ҳаракат режаси”. (Ўзбекистон Республикаси томонидан 2009 йилда ратификация қилинган).

Юридик адабиётлар

Алимов Г.А. Мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси устидан жавобгарликни кучайтиришнинг долзарб масалалари. Хорижий ва миллий тажриба: Монография. – Т., 2017. – 194 б.

Алимов Г.А. Юридик шахсларнинг коррупцион ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлигини тартибга солувчи халқаро стандартлар тизими: Монография. – Т., KOMRONPRESS. 2019. – 160 с.

Алимов Г.А., Исраилов Б.И. Теневая экономика, коррупция, взяточничество: уголовно-правовая оценка: Монография. – Т.: “Издат. дом Инновационного развития». 2020. – 202 с.

Пулатов Ю.С., Алимов Г.А. Квалификация и предупреждение коррупционных преступлений: Монография. – Т., 2016 – 148 с.

Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – 258-б.